



ИЛИМ ХӨМ ЖӨМИЙДӨТ



ЛИНГВИСТИКА

- М.Аметова**
Некоторые особенности контрастивной лингвистики.....26

ЛЕКСИКОЛОГИЯ

- М.Абдуллаев**
Хәзирги карақалпак тилинде жыныслык мәниниң лексикалық усылардың арқалы аныттылығы29

ӘДЕБИЯТ ТЕОРИЯСЫ

- С.Матякупов**
Шахс концепциясы ва бадий-лик.....31

ӘДЕБИЯТ ТАРИЙХЫ

- Ә.Алымов**
Қәлеми шынлыкты тербенткен ана жазыўшы.....35

АТАМАТАНЫЎ

- Т.Бекжанов, Р.Рзаева**
Основные способы образования терминов рисоводства.....39

ТАРИЙХ

- Р.Базарбаев**
Изменения социальной структуры каракалпакского общества.....41

ЭКОЛОГИЯ ҲӘМ МЕДИЦИНА

- Н.Ешниязов**
Аральский кризис и экологические аспекты анемии организма человека Приаралья.....44

ТЕХНИКА ҲӘМ ТЕХНОЛОГИЯ

- И.Турманов**
Исследования стойкости волокон разной зрелости к многократному изгибу.....49

ҮЛКЕТАНЫЎ

- И.Халмурадов**
Жанубий корақалпогистондаги калья атамаси билан бөгликтөрлөр51

ХОЖАЛЫҚ ХУҚЫҚЫ

- О.Худайбергенов**
Акционерлик жәмийетинің хуқық үкіпологияныңдағы айырым мәселелер.....53

- К.Тарийхов, Х.Палюниязов**
Өзбекстан ҳәм Каракалпакстан республикаларында меншик хуқықы ҳаққындағы нызашылықтың раýажланыўы.....55

- Г.Наурызбаева**
Правовая охрана субъектов права промышленной собственности.....59

ПУҚАРАЛЫҚ ХУҚЫҚЫ

- А.Роганова**
Способы гражданско-правовой защиты авторских прав по законодательству Узбекистана.....61

ОҚЫТЫЎ МЕТОДИКАСЫ

- Ж.Базарбаев**
Миллий фәрзесизлик идеясы студентлерди би-лимленидириўдин күйаты.....65

- Л.Ахмедова**
Роль самостоятельной работы в профессиональной подготовке будущего учителя.....68

- А.Урумбаева**
Психология курсындағы «темперамент» темасына байланыслы методикалық көрсетпелер.....70

- Т.Қойшекенова**
Инглиз тилин оқытыў процессинде жазыў ҳәм жазба тилине үйретиў ўазыйпалары.....74

- Ы.Қуттымуратова**
Ана тили сабағында қолланылатуын шынығыўлар ҳәм олардың түрлери.....77





ӘДЕБИЯТ ТЕОРИЯСЫ

С.Матякупов - НДПИ асистенти

ШАХС КОНЦЕПЦИЯСЫ ВА БАДИЙЛИК

В статье на примере рассказа Ш.Холмирзаева ("Озодлик") "Свобода" исследуются и анализируются вопросы концепции личности, её художественное отражение, образная содержательность в узбекской новелле.

The article is devoted to the investigation and analysing the questions of individual conception in the Sh. Holmirzaev's story "Freedom" and its literary description and conceptuality in Uzbek novel.

Бугунги ҳикоячилигиздаги қаҳрамон масаласи, бу янги мустакил жамиятнинг иктиносидий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаётган, янги дунёни бунёд етаётган инсон концепцияси демакдир.

Инсон концепцияси бадиий асарнинг барча унсурларини ўз атрофига бирлаштирган, яхлит бир марказга мужассамлаштирган ўқ, илдиз хисобланади. Шу боисдан ҳам у адабиётшунослик илмининг доимий дикқат марказида. Бу борада рус, украин, болгар, грузин, арман, литва, ёқут, ва ҳакозо ҳалклар олимларининг изланишлари эътиборлидир.

Айниқса, академик В.Р.Щербина ва М.Б. Храпченколарнинг илмий тадқиқотларида санъаткор онги-дунёқарашидаги ўзгаришлар қаҳрамонлар рухиятини акс эттиришда, лирик-психологик ифода принципларига, сюжет ва композицияга олиб кирган ўзгаришларга, тили ва ижодкор индивидуаллиги масалаларига асосий эътибор берилади.

Ўзбек адабиётшунослигига таникли олимлар М.Мухиддинов ҳамда Ҳ.Каримовлар тадқиқотларида шахс ва инсон концепциясининг янги аспектлари, мазкур давр ижодий жараёнининг асосий йўналишлари аникланади. (1)

Инсон концепцияси ҳамиша санъаткорнинг дунёқараши, гоявий-эстетик карашлари, ҳаётий идеали ва ижодий позициясидан таркиб топади. Шу боисдан ҳам истиклол даври ўзбек насрода хусусан ҳикоячилигига шахс концепцияси масаласини тадқиқ этиш, бу Шукур Ходмирзаев, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонкул, Саломат Вафо ва бошқа бир-бирига ўхшамаган, ҳаётни ва инсонни мустакил бадиий идрок ва ифода этиш маданиятини тоборо такомиллаштириш йўлидан бораётган ўзига хос ёркин истеъдодларнинг буғунги инсон ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларини, мустакиллик даври одамларининг маънавий-аҳлоқий дунёсини, фикрлаш табиатини ўрганишдан иборатдир. Бу борада Ш.Ходмирзаев ҳикоялари фикр юритиш учун мўл озука беради.

“Биз озодликка эришдик, мустакил бўлдик. Аслида, озодлик кўхна неъмат, Мустакиллик кўхна неъмат” деб ёзди адаб Ш.Холмирзаев. Мадомики, биз янги даврга қадам кўйган эканмиз адабиёт янги қаҳрамонлар, янги тимсоллар, янги идеаллар яратиш керек, токи, ўша қаҳрамонларда тимсоллару идеаллар Озодликнинг, Мустакилликнинг ҳақиқий кадриятларини ифодаласин, адашган йўловичга йўл қўрсатсин, муқаддас сафарга отланган инсонга қўблани қўрсатсин ва бу йўлдаги кийинчиликлар, барча табиий жараёнлар ҳам дикқат-этибордан четда қолмасин” (2.3)

Шукур Холмирзаевнинг “Озодлик” ҳикоясини кенг ўқувчилар ахли, илмий-адабий жамоатчилик ҳам чукур рамзий маънодорликка эга, дея боҳолашди. Дарҳақиқат ҳикояда озодликка, эркка интилиш майлини табиатини турфа феъл-авторини одамларнинг рухиятини, онги-савиясини жонли табиат оғушида, жонзотлар (каклик) мисолида акс эттириш етакчи. Ҳикоя бошдан охиригача рамзий мазмунда битилган. Ундаги илк тасвир ҳам шунчаки ҳолат ифодасини англатиб қолаётгани йўқ. У инсон кўнглида кечәётган туйгулар тўлкинини англатувчи чукур маънодорликка эга.

“Ташкарида шамол увиллар, бурчақдаги тунука печ оташхонасидан лоп-лоп этиб алана чикар, шунда оташхона пурковчи афсонавий аждарнинг комига ўшаб кетарди. Аммо шифтга ўрлаб, томони тешиб чиккан карнайнинг чирсиллаши ва унинг улама жойлардан тутун силкиши күнгилни тинчтарди, чунки том узра эсайтган шамол тутуниң қайтариб ичкарига ургани, шунинг зарбида оташхонадан олов нафаси чиқиб қайтганини сүзсиз англатарди”. (3.3)

Хикоя қаҳрамонлари Мансур қамоқдан чиқиб келган, хамқишлоқларининг таъбири билан айтганда “туремшик”. Тухмат билан ўн йил тириб чиккан. Лекин у иродаси суст, бўш-баёв бир кимса эмас, ақсли, тадбирли, меҳнаткаш. Ҳаётда адашган, кокилган бўлса-да, юз-тубан йиқилмайди, ўзини ўнглаб, оила куради, фарзандли бўлади.

Тасвирида асар қаҳрамони Мансурнинг руҳиятини, фикридаги тўқнашлар табиатини ифодаловчи мўъжаз бир ҳолат ифодаоланган ушбу хикояда ҳам, ёзувчи анъанавий услубига содик қолади. Қаҳрамон кечмишини, воқеаларнинг шафқатсиз ҳакиқатини унинг калб кечималарини ёритиш арқали очишига муваффақ бўлади. Хусусан, каклик овига чиқиб, “озодлик гаштини сураяпмиз” деп керилган Шотўра муаллим, қоровул чол директор мувовини ҳамда Мансур ўртасидаги сұхбат асносида ҳар бир қаҳрамоннинг феълатори, психологияси очилади.

Характерли штрихлар, яъни аниқ-тиник деталлар воситасида ҳар бирiga хос мухим белгиларни кўрсатади. Хусусан, мусиқа муаллими “маккор, ўлгудек кўркоқ”. Қоровул чол эса, “яқин-яқингача пиёнисталик килиб, кечалари вино сотади. Энди, мачитга қатнайдиган булди бул киши. Қаранг, текин тамок ёқар экан. Хўроздай қип-қизил, Бу чол галварс, аммо тулкилил ҳам кўлидан келади. Бунда иймон-эътиқод деган нарсаларнинг уруғи ҳам йўқ. Бирак ўрганган беш-ён калимаси бор, уларни ҳам тирикчилик жўнида ишлатади ва лозим пайтида ўзига қалқон килади”. Ўрни келганда юзта-юзта нўш ҳам этиб туради”. (4.3)

Адид талқинига кўрса инсон табиат фарзанди; унда қанчалик оқиллик, зукколик мужассамлашган бўлса, шунчалик ёвуз ҳам. Инсон комил бўлиши учун эзгуликни, гўзалликни адолатни химоя қиласиган, ёқлайдиган фазилатлар эгаси бўлиши лозим. Шу маънода қанчалик аччиқ ва шафқатсиз бўлмасин, инсонга ўз айбини, ўзи кўра алмаган ва била билмаган қалб ва ҳаёт ҳакиқатини рўйи-рост айтишимиз керак, деган фикрни илгари суради-адиб.

Атокли рус адаби В.Шукшин “Хикояни мен қандай тушунаман” маколасида шундай ёзди: “инсон ва яхшилик тўғрисидаги, ёвузилик хусусидаги, гўзаллик ҳақидаги са-мимиий, бехаловат ўй-мулоҳазаларсиз ёзувчи шахсини ҳам, ижодини ҳам тасаввур қилолмайман”. (5.15) кўнгил эътирофи “Калина красная” асари муносабати билан айтилган бўлса-да ўзбек ёзувчиси Шукур Холмирзаев ижоди психологиясини очишига қаратилгандек қабул килишимиз мумкин. У Шукур Холмирзаевнинг инсонни тушуниш ҳамда тушунтиришдаги ҳаётний ҳамда ижодий позициясини англашимизга ҳам ёрдам беради. Хусусан, биргина “Озодлик” хикоясида кузатилаётганидек, адабни асосан қаҳрамонларнинг қабул кечималари кўпроқ қизиқтиради. Шу боисдан бўлса керек, адаб ўзини ҳаяжонга солган қаҳрамонлари ички дунёсининг, қабул ҳаётининг зоҳирий тафсилотларини онгли равишда тушириб колдиради. Майда икир-чикирларга, воқеаларни миридан сиригача ҳикоя қилишга берилмайди. Адабнинг ўз қаҳрамонларига нисбатан муносабатига кўра, дарҳақиқат, инсон шахси ва уни ўраб турган ижтимоий мухит, қаҳрамонларнинг ўзи ҳақидаги, ўзи туғилиб ўсган ҳаётга, жамиятга, шароитга муносабатлари тўғрисидаги тасаввур тушунчалари санъатнинг ва шу маънода бугунги ҳикоячиликдаги шахс концепциясининг табиатини белгилаб беради.

“... Айтингчи, қамоқдан чиққандан кейин, яъни озод бўлганингиздан кейин узингизни қандай хис қилгансиз?” -муовин саволни бериб, кўкрагини кўтарди.

Мансур бунинг жавоби анча мухим эканини уқиб, илло, мусиқа ҳам ўзига диққат билан тиклаб турганини кўриб ўлланиб қолди.

- Ҳўш, чиққанимдан кейин... шу, кўлимда пича пул, йўл ҳаржини беришди... Шу,

ИДАБИЁТ

қаерга боришимни билмай қолдим. Ҳалбуки, мен билар эдим: институтга олишмайди. Ўқиш тамом бўлган. Учинчи курсдан кетганим эдимда.

Кейин, мени бирон ишга олишлариям маҳол буниям билар эдим. Сўнгра ука, уўп таниш билишларнинг мендан юз ўғиргандаригаям ишонар эдим”.

“... Э, ука-е, Мансур майин-ёқимтой жилмайиб чайқалди. Озодликка нима етсин... Унинг қадрига, масалан, сиз ҳам етмайсиз. Сиз ҳам, Шотўра ака, Бобой ҳам. Ахир, табибатиб эмас, бошидан кечирган табиб дейдилар ку”. (6.3)

Езувчи қаҳрамонларининг қалб кечималарини ёритишда табиат ва инсон ўртасидаги муштарак ва айрим жихитларни киёслашга, Мансур, мусиқа муаллими, коровул чол, директор мувонининг қабул эътировларига, ички монологларига, ўй-муҳокомаларига алоҳида эътибор беради. Ҳикоядаги бадиий талқин ва тасвир хусусиятлари ҳақида Шукур Холмирзаевнинг ўзи адид Шодикул Ҳамроев билан сұхбатида шундай дейди: “Мен ҳечам рамзий маънода ёзишни ўйлаганим йўқ. Шунчаки кафасда катта бўлган какликни табиат бағрига чиқариб қўйворишганида унинг дафаътан дон тополмай қолганини, хўш мустабид тузум қафасидан кутилган одамларнинг баъзи бирларининг аросатда қолгандарига ўхшатганман холос. Умуман рамз деганимиз ўхшатишга ўхшатмайди ми? Рамзда теранроқ маъно бордиру, барибир киёслашнинг бир хили эҳтимол кучлироқ хилидир” (7.3)

“Озодлик” ҳикоясида қаҳрамонлар фаолияти орқали ҳайкираётган озодликка, эркка интилиш асосан қиёслар мағзига сингдириб юборилган. Шукур Холмирзаевнинг маҳорати ҳам шундаки, қаҳрамонларнинг ўз тириклигидан орттирган сабоқларига урғу беради. Ҳар ким ўз хатоларидан сабоқ олгани маъкул, дегандек туйгулар-кечинмалар реализмiga асосий дикқат эътиборини қатаради. Тириклик сабоқлари қаҳрамонларнинг хусусан, Мансурнинг тақдирини ўзгартириб, ҳаётига тубдан ўзгаришлар олиб киради.

Ҳикоядаги яна бир дикқатга сазовор нарсалардан бири шуки, Ш.Холмирзаев табиатда қушларнинг ҳам ўзига яраша хулк-атворга эга эканлигини хисобга олган. Шунинг учун ҳам у ҳикояга айнан каклик образини танлаб олади.

“Озодлик”, ҳикоясидаги бадиий идрок ва ифода маъноларини кўздан кечирар эканмиз, давр тақаюсига кўра ҳикоя жанри табиатида ҳам сифат ўзгаришлари содир бўлаётганини кўриш мумкин. Ҳикоячилик ўз мундарижасида мустақилликка эришган жамиятнинг талаблари ва эҳтиёжларини акс эттириш сари юз тутди. Шу жиҳатдан унда башарий қадриятлар асосини ташкил этган юксак гуманизм баланд мавқий касб этаётир. Шу маънода шарқ ҳалқларининг инсон шахси ва шаънини азозлаш нуктаи назаридан рангин-бой маъноларда ифодаланиб келган гуманистик сабоқлари, тажрибалари янги эркин жамият мустақиллик воқелиги ва одамларининг дунёқарашини, қизиқишилари ва тафаккурини акс эттиришда янгича нуктаи назарлар или намаён бўлаётир. Унинг маҳзимоҳиятини шахс концепциясининг бадиий ифодаси билан боғлиқ инсоннинг биргина табиатга гўзалликка муносабатида янги талкинларда кўришимиз мумкин.

Адабиётлар:

1. Муҳиддинов М.Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси. Докторлик диссертацияси. Тошкент 1995. Каримов. Ҳ.Ҳозирги ўзбек насрода ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси (70-80 йиллар). Докторлик диссертацияси. Тошкент, 1994.
2. Ш.Холмирзаев. “Озодлик”. Ҳикоя сўзбошиси. “Ватан” газетаси, 1994 йил, 8-сон 3-бет.
3. Ш.Холмирзаев. “Озодлик” ҳикоя “Ватан” газетаси. 1994 йил 8-сон, 3-бет.
4. Ш.Холмирзаев. “Озодлик” ҳикоя “Ватан” газетаси. 1994 йил 10-сон, 3-бет.
5. Василий Шукшин. Как я понимаю рассказ. Газета “Литературная Россия”. 1964, 20 ноября с 15.
6. Ш.Холмирзаев. “Озодлик” ҳикоя “Ватан” газетаси. 1994 йил 11-сон, 3-бет.
7. Ш.Холмирзаев. -Ш.Ҳамроев. “Адабиёт, адабиёй, адабиёт”. Сұхбат, “Езувчи” газетаси. 1997 йил 15 январь, 4-бет